


VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2018 йилнинг январь-сентябрида 3879 та кичик бизнес субъектлари (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этилиб (2017 йилнинг шу даврига нисбатан 125,0% кўпдир), уларнинг сони 28366 тага етди.

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 24,7%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (17,3%), савдо соҳасида (20,9%) ва курилишда (12,1%) ташкил этилган.

2018 йилнинг январь-сентябрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

2018 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,3% (2017 йил январь-сентябрда 58,9%) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4808,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 20,0%) ёки 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан ўсиш суръати 107,9% ташкил қилди;
- 7876,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 103,1 % (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,3 %) ташкил қилди;
- 1763,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 31,7%) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 181,9% ташкил қилди;
- 570,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 35,1%) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 100,1% кўпайди;
- автомобиль транспорти юк айланмасининг 109,3% (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 21,2%), йўловчи айланмасининг эса 112,3% (умумий йўловчи айланмасининг 7,2%) кўпайиши таъминланди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 77,6% ёки 7676,9млрд. сўм (ўсиш 103,1%) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 74,3% ёки 5841,2 млрд. сўми (ўсиш 103,0%) шакллантирилди;
- 266,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 28,5) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 683,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 38,6%) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2018 йилнинг январь-сентябрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7876,0	98,9
Саноат	4808,5	24,6
Курилиш	579,0	35,1
Чакана савдо	7676,9	77,6
Юк ташиш, <i>млн т</i>	24,6	0,10
Йўловчи ташиш, <i>млн.киши</i>	66,5	0,06
Экспорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	266,3	x
Импорт, <i>млн. АҚШ долл.</i>	683,3	x

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар,
хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг
ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

